

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Маҳмуд НАЖИМОВ, Шаҳзод САЙДУЛЛАЕВ

ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент-2004

Нажимов М., Сайдуллаев Ш. Давлат функциялари: Ўқув қўлланма –Т.:ТДЮИ, 2004. -37 б.

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарорига кўра нашрга тавсия этилди. (2004 йил 25 ноябр, 3-сонли баённома)

Мазкур ўқув қўлланма "Давлат ва ҳуқуқ назарияси" фани ўқув курсининг энг муҳим мавзуларидан бири бўлган давлат функцияларига бағишланган бўлиб, унда давлат функциялари тушунчаси, мазмуни ва уни таснифлаш, давлат функцияларининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати, давлатнинг экологик функцияси каби масалалар ёритилган. Ўқув қўлланмасини тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлар, илмий журнал ва оммавий ахборот воситаларида мавзуга оид чоп этилган мақолалар ва рисоалардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланма давлат назарияси муаммолари билан шуғулланувчи мутахассисларга, олий юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва аспирантлари, магистратура тингловчилари ва талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

юридик фанлари доктори,
профессор **З.М.Исломов**

Такризчилар:

юридик фанлари номзоди,
доцент **М.А.Ахмедшаева**

юридик фанлари номзоди,
доцент **Л.Ф.Кашинская**

© М.Нажимов, Ш.Сайдуллаев

© Тошкент Давлат юридик институти, 2004

К И Р И Ш

Маълумки, ҳар қандай давлат доимо фаол ёки мўътадил равишда фаолият юритади. Чунки фаолиятсизлик давлатнинг табиати ва мақсадига тўғри келмайди. Шундан келиб чиқиб, ҳар қандай давлатнинг моҳияти энг аввало, унинг фаолиятида, функцияларида намоён бўлади. Давлатнинг фаолият соҳалари хилма хил бўлганлигини ҳисобга олиб, унинг фаолиятининг бош йўналишларини алоҳида ажратиш зарурати келиб чиққан. Ана шу бош йўналишларда давлат моҳияти мужассам бўлади, амалга оширилади ва ривож топади ҳамда улар давлатнинг мавжуд бўлиш тарзини ифода этади. Бироқ давлат функцияларида фақат унинг моҳияти ўз ифодасини топади, деб ўйлаш ҳато бўлар эди. Бунда муайян даврдаги ўзига хос жихатлари, сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш ҳамда давлатга уюшган жамиятни бошқаришнинг алоҳида хусусиятидан келиб чиқадиган мақсад ва вазифаларини асло ёддан чиқариб бўлмайди.¹ Шу билан бирга давлатнинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиши ва бу борадаги вазифаларни бажариши бевосита унинг фаолияти яъни функциялари билан боғлиқдир.

Юридик фанда ҳозиргача “Давлат функцияси” категориясига таъриф беришда яқдиллик йўқ. Шундай бўлсада, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанининг муҳим категорияларидан бири ҳисобланган мазкур тушунчани ҳар томонлама ўрганиш ва тушуниш нафақат ҳуқуқшунос учун балки, ҳозирги кунда фуқаролик жамиятини шакллантираётган ва ҳуқуқий демократик давлатни кураётган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси учун ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанига оид бир қатор дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва бошқа адабиётлар яратилган.² Мазкур асарларда

¹ Қаранг: З.М.Исломов Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. –Т. «Адолат», 2000. –Б. 208.

² Қаранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси.//Масъул муҳаррирлар:Х.Бобоев, Х.Одилқориев.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –528 б; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар –Т. «Адолат», 2000. –272 б; З.М.Исломов "Общества. Государство. Право". -Т.:Адолат, 2001. –694с. Саидов А. Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 1-жилд. Давлат назарияси.-Т.: ИИВ Академияси, 2001. -336 б ва б.

давлат функциясига у ёки бу даражада таърифлар берилган. Уларда “хуқуқшунос олимларнинг давлат функциясига қарашларида жиддий фарқ йўқ, асосан сўзлар, иборалар ҳақида баҳс боради, холос”.¹

Мазкур ўқув қўлланмасида давлат функцияси тушунчаси, мазмуни ва уни таснифлаш, давлат функцияларининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати, давлатнинг экологик функцияси каби масалалар ёритилди. Ўқув қўлланмасини тайёрлашда мамлакатимизда ва ҳорижда мавзуга оид эълон қилинган юридик адабиётлар, илмий журнал ва оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар ва рисоалар атрофлича ўрганилди ҳамда танқидий жихатдан таҳлил этилди.

Ушбу ўқув қўлланмасида баъзи камчиликлар, нуқсонлар учраши, айрим масалалар тўла ёритилмаган бўлиши мумкин. Китобхонлар ўқув қўлланмасининг сифатини яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукамал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

¹ Саидов А. Тожионов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 1-жилд. Давлат назарияси.-Т.: ИИВ Академияси, 2001. —Б.189.

1. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯСИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ

Давлат функцияси тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида энг муҳим категориялардан бири ҳисобланади. Чунки давлат функциялари билан боғлиқ масалаларини ўрганиш унинг маъно-моҳияти, жамиятда тутган ўрни ва ижтимоий вазифасини янада чуқурроқ англаб олишга хизмат қилади.

Ҳуқуқий адабиётларда «Давлат функцияси» тушунчаси ҳали етарли даражада тадқиқ этилмагани, бу борада нисбатан ягона фикрни йўқлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бироқ ҳамма мутахассислар давлат функцияси, унинг маъно-моҳияти, мажбурияти ҳамда мақсад-вазифаларини ифодалашини эътироф этадилар.¹

Фалсафада функция деганда бирон-бир объект хусусиятларини маълум муносабатлар тизимидаги ташқи ифодаси тушунилади.

Функция – ваколат доирасидан келиб чикувчи фаолиятдир. Чунки «функция» латин тилидан олинган бўлиб, «фаолият» деган маънони англатади. У қўлланиш ваколатига кўра пропорционал равишда ўзгариб боради. Давлат функцияларида унинг моҳияти ва ижтимоий йўналтирилганлиги, мақсад ва вазифалари акс этади. Шунини айтиш керакки, функция давлат ташкилотининг ичида тадбиқ қилиниши мумкин эмас, улар жамиятдаги ижтимоий муносабатларга таъсир этган ҳолда тадбиқ қилинади.

Давлат жамиятнинг маҳсули сифатида юзага келиб, унга нисбатан бошқарувчи тизимга, унда бўлиб берувчи барча энг муҳим жараёнларга таъсир кўрсатувчи кучга айланди.

Давлат ҳеч қачон инерт кўринишда намоён бўлмайди, у доимо ҳаракатда бўлади. Бу фаол ҳаракат унинг яшаш тарзи ҳисобланади. Бу бевосита давлатнинг табиати ва моҳиятидан келиб чиқади.

Давлатнинг функциялари - бу фаолият йўналиши, бироқ йўналишнинг айнан ўзи эмас. Функцияларни амалга ошириш фаолияти маълум тарихий мазмун билан тўлдирилади, бинобарин, амалга ошириш жараёнида уларнинг ўзаро нисбати (солиштирама вазни, ҳар бир функциянинг бошқа тизимдаги аҳамияти) орқали юзага келади.²

¹ Қаранг: З.М.Исломов Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар –Т. «Адолат», 2000. 208-б.

² Қаранг: С.А.Комаров. Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. –СПб.: Питер, 2004.-С.95.

Давлат фаолияти соҳалари жамиятда юзага келадиган муносабатлар каби турли хил кўринишда бўлгани сабабли, давлат назарияси олдида унинг синфий ва умуминсоний моҳияти ҳамда ижтимоий аҳамияти акс этувчи ва конкретлашувчи унинг ички ва ташқи фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш муаммоси туради. Шу билан бирга, давлатнинг функцияларида фақат унинг моҳияти акс этади, деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлади. Чунки сиёсий ҳукмронлик вазиятида, давлатни бошқариш хусусиятидан келиб чикувчи вазифа ва функциялари пайдо бўлади. Асосий йўналишларни ажратиш бу умуман давлат фаолиятини (бирок унинг органлари фаолиятини эмас) «майдалаш» демакдир. Бош йўналишлар – давлат фаолиятининг ижтимоий муҳим тармоқлари бўлиб, уларни амалга оширишга унинг бирор - бир алоҳида бўғинлари эмас, балки барча органлари жалб қилинади. Акс ҳолда жамиятнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти функцияларда ўз аксини топмайди, охир- оқибатда эса, «давлатнинг функцияси» категорияси ўзининг назарий ва амалий маъносини йўқотиб, мавҳум (курук муҳокамага асосланган) бир тушунчага айланади.

С.А.Комаров давлатнинг функцияларини нафақат унинг фаолият йўналишлари, балки жамиятдаги жараёнларга таъсир кўрсатиш механизми сифатида талқин қилишни таклиф этади. У давлат жамият ҳаётининг у ёки бу соҳаларида маълум функцияларни бажара бориб, бир вақтнинг ўзида, ўтказилаётган ислохотлар, турли ўзгаришлар, ижтимоий алоқаларни ҳуқуқий тартибга солиш воситасида жамиятдаги жараёнларнинг ҳолатига таъсир кўрсатишига ишора қилади.¹

Бундан келиб чиқадики, давлатнинг жамиятдаги жараёнлар ривожланишига таъсир кўрсатиш механизмини давлатнинг функциялари тушунчасига киритиш у қадар тўғри бўлмайди, чунки бунда давлатнинг функциялари умуман унинг механизми фаолиятига яқинлаштириш ҳамда давлатнинг фаолиятини турли ҳуқуқий таъсир воситалари билан алмаштиришга уриниш кўзга ташланади, ҳолбуки, фанда давлатнинг функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари деган мустақил тушунча мавжуддир.

Давлат функцияларининг асосий белгилари, уларнинг давлат моҳияти ва ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқлиги, маълум тарихий босқичларда турлича бўладиган, давлатнинг оёққа туриш, мустақамланиш ва ривожланиш жараёнида ўзгариб борадиган

¹ Каранг: С.А.Комаров. «Теория государства и права» учебно – методическое пособие Краткий учебник для вузов. Издательская группа НОРМА–ИНФРА-М. Москва, 1999.

вазифаларни давлат мақсадларида ҳал қилишга йўналтирилганидан иборат бўлиши умумий қабул қилингандир.

Давлатнинг функцияларида унинг моҳияти янада конкретифодасини топади. Албатта, конкретлаштириш объектив хусусиятга эгадир. Чунки давлатнинг функциялари объектив равишда, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизимлари билан боғлиқ бўлган мақсад ва вазифалар ҳамда улардан келиб чикувчи ижтимоий табақа, жамоа ва бутун халқ манфаатларининг маълум таъсири остида шаклланади. Шунинг учун давлатнинг функциялари у мавжуд бўлган бутун тарихий давр мобайнида доимий равишда хос бўлади. Агар ҳокимият тепасига бошқа сиёсий кучлар келса, у ҳолда давлатнинг функциялари ҳам ўзгаради. Шу билан бирга, маълум даврларда устувор манфаатларнинг ўзгариши ҳам рўй бериши мумкин. Бу ўз навбатида функцияларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Бунда биринчи ўринга бирламчи аҳамиятга эга бўлган функциялар чиқиши мумкин. Масалан, 2-жаҳон уруши даврида давлатнинг ялпи мудофаа функцияси асосий ўринга чиққан.

Давлатнинг ҳар бир функцияси сиёсий – предмет таърифига эга бўлади. Чунки унинг мазмуни, фаолият предмети нимадан иборат экани, у ёки бу мақсадларга эришиш йўлида қандай воситалар қўлланишини кўрсатади.

Албатта, давлат тараққиётининг алоҳида босқичларида функцияларнинг мазмуни ҳам ўзгармай қолмайди. Давлат тарзида уюшган жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги инқилоблар, радикал иқтисодий-ижтимоий ўзгаришлар даврида функциялар турлича кўринишга эга бўлади.

Узоқ давр мобайнида юридик адабиётларда синфий ёндашув сунъий равишда устунлик қилди, давлатнинг бутун жамият манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш хусусиятига кам эътибор берилди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, ҳар бир давлат умумижтимоий фаолиятни амалга оширади, бутун жамият, барча синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва аҳоли қатламлари манфаатларини ифода этувчи вакил сифатида қатнашади.

Ҳар бир жамиятнинг табиатидан келиб чикувчи функцияларга давлат фаолияти бу жамият мавжудлигининг табиий шарт-шароитларини қўллаб-қувватлашга доир барча йўналишлари киради ва улар ҳам ички, ҳам давлатлараро миқёсда фан-техника инқилоби шароитида айнан шу функцияларнинг аҳамияти янада ошиб бораётир. Бунга мисол тарзида экологик мувозанатни сақлаш зарурати; касалликлар (шу жумладан, ОИТС)га қарши кураш; алоҳида мамлакатларнинг манфаатлари

доирасига сигмайдиган муаммоларни ҳал қилишда халқаро маданий ва илмий-техник ҳамкорлик (коинотни ўзлаштириш, жаҳон океани ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, халқаро стандартлар ва умумжаҳон радио коммуникация алоқасини ишлаб чиқиш, транспорт воситаларини ривожлантириш ва бошқалар).

Шуни қайд этиш лозимки, инсониятни энергия манбалари ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир халқаро иқтисодий ҳамкорлик, алоҳида мамлакатлар доирасидан чиқувчи илмий ҳамкорлик, халқлар ўртасида мустаҳкам тинчликни ўрнатиш моҳият-эътибори билан синфий хусусиятга эга эмас. Бироқ уларни амалга ошириш ҳам синфий, ҳам умумий манфаатларнинг ҳал қилувчи таъсирига боғлиқдир.

Давлатнинг умумижтимоий фаолияти давлат ичидаги муносабат ва алоқаларнинг маълум даражадаги турғунлиги, унинг яхлитлиги ва умумий (иқтисодий, маданий, миллий ва б.) манфаатлар негизида бирлашишини таъминлайди. Умумижтимоий функцияларнинг солиштирма вазни нечоғлик катта бўлса, давлатнинг ихтилофларни бартараф этиш, жамиятда муросага келишиш, ижтимоий алоқаларни барқарорлаштириш воситаси сифатида тутган ўрни шу қадар юқори бўлади. Давлатнинг бундай ўрни уни ўз амалий фаолиятида куч ва зўрлик ишлатиш усулларида воз кечишга мажбур қилади. У кўпроқ умумдемократик, тараққийпарвар институт ва ғояларга, жумладан, ҳуқуқий давлат ғояси, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, кам сонли миллатларни ҳимоя қилиш, аҳолининг давлат ва жамият ҳаётида иштирокининг турли шакллари, ўз ўзини бошқариш асосларини қўллаб-қувватлаш, матбуот эркинлиги ва ошкоралик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоялашни таъминлаш ва шу кабиларга мурожаат қила бошлайди.

Давлат уни қўллаб-қувватловчи шахсларнинг онглилиги ҳамда турли синфий, миллий ва бошқа ижтимоий манфаатларни ҳисобга ола билиши, бунда умуминсоний, инсонпарварлик қадриятларига таяниши билан кучли бўлади. Бундан бошқача бирор-бир давлатни тараққий этган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шундай қилиб, давлат назариясида, биринчидан, ҳаётини фаолиятнинг реал жараёнини акс эттирувчи, иккинчидан эса, «давлат моҳияти» категориясидан келиб чиқувчи «давлат функциялари» категорияси вужудга келади. Жамиятдаги муносабатларнинг ривожланиши, меҳнат самарадорлиги ва сифатининг ортиши, аҳолининг

бирлашишига қараб давлатнинг моҳияти секин-аста ўзгариб боради. Бу биринчи навбатда унинг функциялари ўзгаришида ўз ифодасини топади.

Шуни яна бир бор эътироф этиш керакки, давлатнинг функцияси тушунчаси масаласида олимлар ҳалигача умумий бир тўхтамга келмаганлар. Масалан, А. Саидов ва У. Таджихановнинг фикрича, «давлатнинг функциялари унинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаларини ифода этувчи фаолиятнинг асосий йўналишларидир»¹. З. М. Исломов функцияларга давлатнинг умумижтимоий моҳияти ва ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган муайян мақсадларга эришиш йўлидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат фаолиятининг бош (асосий) йўналишлари (томонлари, кўринишлари) сифатида таъриф берган².

В. М. Корельский ва В. Д. Переваловнинг фикрича, давлат функциялари деганда, «давлатнинг асосий ҳаракат йўналишларини, мазкур йўналишлар унинг моҳияти ва ижтимоий зарурлигини, давлат томонидан жамиятни бошқаришда унга тааллуқли воситалар ва усулларга асосланган мақсад ва давлат вазифаларини»³ тушуниш керак.

Н. И. Матузов ва А. В. Мальколарнинг фикрича, «давлат функциялари деганда, давлатнинг ташки ва ички фаолиятига хос бўлган асосий йўналишларни тушуниш керак; мазкур йўналишларда давлатнинг синфий ва умуминсоний моҳияти асосланганлиги акс этади ва конкретлашади»⁴.

Бизнингча, давлатнинг функцияси деганда, унинг фаолият йўналишини тушуниш керак, лекин ҳеч қачон функцияни бу фаолиятнинг ўзи деб қабул қилиш мумкин эмас. Шу боис ушбу масалада З. М. Исломовнинг қуйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: «Функцияларни адо этиш бўйича фаолият конкрет тарихий шарт-шароитлар билан белгиланади ва уни амалга ошириш чоғида бу функцияларнинг жамият тараққиёти учун аҳамияти (салмоғи, ҳар бир функциянинг бошқа функциялар тизимидаги аҳамияти) намоён бўлади»⁵.

Кўриниб турибдики, давлат функцияси масаласи бўйича ёндашувлар турлича, аммо уларни таҳлил этиб, қуйидаги хулосага келиш

¹ Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

² Қаранг: Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалари (Давлат назарияси). – Т.:Адолат, 2000. – Б. 208.

³ Қаранг: Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 143.

⁴ Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 61.

⁵ Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

мумкин: давлатнинг функциялари ривожланишининг маълум бир погонасида бўлган давлатнинг умумижтимоий моҳияти, аҳамияти ҳамда халқ ва жамият олдидagi ижтимоий бурчидан келиб чиқадиган Унинг муайян мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишларидир.

2. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯСИ ВА ВАЗИФАСИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Давлат функциялари ҳақида гапирганда унинг мақсади ва вазифаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Чунки давлат функциялари давлат мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, давлат ўз олдига қўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса ўз навбатида тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқдир.

Шуни қайд этиш лозимки, "функция" ва "вазифалар" тушунчалари бир-биридан ажралмас бўлиб, давлатнинг вазифаларига мос келиши давлат функцияси категориясининг асосий белгисини ташкил этиши бежиз эмас. Вазифа бу ечилиши талаб қилинадиган масала бўлса, функция - шундай ечимга йўналтирилган фаолият туридир.

Давлат ва жамият тараққиётининг муайян босқичида улар олдига маълум бир вазифаларнинг қўйилиши тегишли функцияларни амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради, чунки давлатнинг функциялари амалга оширилмаган тақдирда унинг вазифалари ҳам амалга ошмай қолади. Вазифа ва функцияларнинг ўзаро нисбатида функциялар эмас, балки вазифалар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Давлатнинг функциялари бу унинг вазифалари эмас, гарчи улар бу вазифалар билан боғланган ва ҳатто уларга бевосита боғлиқ бўлса ҳам, вазифалар давлатнинг ва давлат функцияларининг ривожланиши учун бош асос ҳисобланмайди, чунки уларнинг ўзлари жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжларидан келиб чиқади, унинг ривожланиш қонуниятлари билан белгиланади ва ҳар бир давлатнинг миллий-тарихий ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, вазифа, бир томондан, маълум хусусиятга эга бўлмаган бирор-бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчи томондан эса-маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини ўз ичига олади. Давлатнинг функциялари унинг вазифаларига боғлиқ бўлади, чунки вазифалар функцияларнинг мавжудлигини ва уларнинг мазмунини

белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва усулларига таъсир кўрсатади. Функциялар мазмуни, давлатнинг қандай фаолият олиб бораётганлиги, шу муҳитда бошқарув ҳаракатларини қай йўсинда юритаётганлиги, унинг тегишли органлари нима билан шуғулланаётганлигини кўрсатади.

Давлат фаолиятининг айрим босқичларидаги функция ва вазифалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммоси ҳам ички, ҳам ташқи функцияларга таъбиқан ҳал қилинади, зеро уларнинг юзага келишининг тарихий сабаблари тегишли равишда давлат ривожланишининг ички объектив қонуни ва ташқи шарт-шароитларга боғлиқ бўлади.

Бир ривожланиш босқичида турган ҳар қандай давлатлар бир хил мазмунли функцияларга эга бўлсалар-да, уларнинг моҳияти, шакллари ва айниқса, амалга ошириш усулларидаги фарқлар жиддий бўлиши мумкин. Бу эса шуни англатадики, ҳар бир босқичга бошқа ривожланиш босқичларидаги функцияларга ўхшамаган "ўз" функциялари хос бўлади ва давлатнинг янги босқичга ўтиши билан унинг функциялари қисман ёки тўлиқ ўзгаради. Бинобарин, янги функциялар пайдо бўлади, бироқ мавжуд функцияларнинг кўпчилик қисми шаклини ўзгартиради ва янгича мазмун касб этадики, буни Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш жараёнида (Иттифок парчаланиб, Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан сўнг) кузатиш мумкин.

3. ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ

Юридик адабиётларда давлат функцияларини таснифлашда бир хил ёндашув мавжуд эмас. Давлат функцияларини таснифлашда бир хил ёндашувнинг мавжуд бўлмаслигига сабаб, тараққиётининг турли босқичларида турган давлатлар мавжуд объектив шароитдан келиб чиққан ҳолда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятига мос равишда фаолият юритишидир.

А. Саидов ва У. Таджихановнинг фикрича, давлатнинг функцияларини икки асосий гуруҳга: ички ва ташқи функцияларга бўлиш мумкин¹. Ички функцияларга «қонунийлик асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, уларнинг тенг ҳуқуқчилигини, жамият манфаатларини таъминлаш; мулкчиликнинг турли шакллариини тенг ҳимоялаш; монополизмни истисно қилувчи бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаш; фуқароларнинг меҳнат шароитларини

¹ Қаранг: Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

яхшилаш ва муҳофаза қилиш; фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш»¹ кабилар киради.

Ташқи функцияларга ушбу олимлар тинчлик ва биргаликда тинч яшаш учун кураш, мамлакатни ташқаридан бўладиган хужумдан мудофаа қилиш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан иқтисодий, маданий ҳамкорлик ва сиёсий ҳамдўстлик, дунё мамлакатлари билан атроф табиий муҳитни, инсонларнинг тинчлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳамкорликнинг турли шакллари киритадилар.

Давлат функцияларини таснифлашга З. М. Исломов бошқача ёндашган. Унинг фикрига кўра, функцияларни тўрт асосий гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим: а) фаолият соҳалари бўйича; б) амал қилишининг давомийлиги бўйича; в) ижтимоий аҳамияти бўйича; г) амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари бўйича². Ўз навбатида, биринчи гуруҳга кирадиган функциялар ички ва ташқи функцияларга бўлинади. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичкарисидаги вазифаларини амалга ошириши билан боғлиқ. Ташқи функциялар халқаро миқёсдаги фаолият бўлиб, бунда давлат халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида майдонга чиқади.

М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг фикрича, «давлат функциялари, ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳасига қаратилгани, қайси вазифаларни бажаришда амал қилишига кўра, ички (иқтисод, экология, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш ва бошқалар билан боғлиқ) ҳамда ташқи (давлатни ҳимоялаш, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш) функцияларга бўлинади³.

Н. И. Матузов ва А. В. Малько эса асосий функциялар деганда, маълум бир тарихий шароитда давлат олдида турган асосий мақсад ва вазифаларни ҳал қилиш жараёнида юз берадиган йўналишлари тушунадилар. Асосий бўлмаган функцияларга эса улар бошқа, иккиламчи вазифаларни ҳал қиладиган ва асосий функцияларга қўшимча бўлган вазифаларни киритадилар⁴.

М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг фикрича, давлатнинг асосий ички функциялари таркибига иқтисод, фан, маданият, таълим тизимини ривожлантириш, экологик, солиқ солиш ва уни тўплаш, мавжуд мулк шакллари ҳимоялаш, ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш функциялари киради.

¹ Саидов А., Таджикханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 1999. – Б. 25.

² Қаранг: Исломов З. М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 208.

³ Қаранг: Теория государства и права. – М., 1997. – С. 150–151.

⁴ Қаранг: Матузов Н. И., Малько А. В. Теория государства и права. – М., 1997. – С. 61.

Фикримизча, давлатнинг ички функцияси масаласига кейинги пайтда чоп этилган айрим адабиётларда ҳам эътибор берилди. Жумладан, айрим олимларнинг ёзишларича, Ўзбекистон давлати куйидаги ички функцияларни амалга оширади: иқтисодий функция ёки иқтисодиётда давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, ижтимоий соҳада олиб борадиган ишлари, таълим, фан, техника, маданият ва аҳолини ғоявий (мафкуравий) тарбиялаш соҳасидаги, ҳуқуқ-тартиботни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкчиликнинг барча шакллари оғишмай химоя қилиш, ҳуқуқбузарликка ва жиноятчиликка қарши курашиш, табиат бойликлари ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.¹

Давлат функцияларини таснифлашда деярли барча олимлар ички ва ташқи функциялар мавжудлигини тан олади. Лекин шунинг билан бирга ҳар бир муаллиф давлат функцияларини таснифлашда турли хил мезонларни асос қилиб олади.

Қўпчилик олимлар, жумладан, С.А.Комаров, А.В.Мальколар давлат функцияларини куйидагича таснифлаш тарафдорларидир:

- Фаолият соҳалари бўйича;
- Амал қилиш давомийлиги бўйича;
- Ижтимоий аҳамияти бўйича;
- Амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари бўйича.

Биз ҳам юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшиламиз ва бундай таснифлаш бошқа хил мавжуд таснифлашларга қараганда давлат функцияларини тўлиқроқ очиб беришга, уни тушуниб етишга ҳамда кенг тадқиқ қилишга имконият яратишини эътироф этамиз.

Юқорида кўрсатиб ўтилган давлат функцияларининг таснифи ҳам ўз навбатида бир нечта гуруҳларга бўлиниб кетади.

Давлат функциялари **фаолият соҳалари бўйича ички ва ташқи** функцияларга бўлинади.

Ички функциялар давлатнинг ички вазифаларини ечишга йўналтирилган фаолият бўлиб, давлатнинг жамиятга таъсирининг фаоллик даражасини кўрсатади.

Ташқи функциялар эса халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида иштирок этаётган давлат, давлатлараро микёсдаги вазифаларни хал қилиш билан боғлиқдир.

Олимлар ўртасида давлатнинг функцияларини ички ва ташқига ажратиш юзасидан бир хил фикр мавжуд эмас.

¹ Каранг: Давлат ва ҳуқуқ назарияси / Масъул муҳаррирлар Ҳ. Б. Бобоев, Ҳ. Т. Одилқориев. – Т., 2000. – Б. 187–189.

Жумладан, В.М.Сырых давлатнинг ички функциясига жамиятда ҳуқуқий тартибни ўрнатиш ва муҳофаза қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш, халқ ҳокимиятини таъминлаш, маданий-тарбиявий, табиатни муҳофаза қилиш каби давлатнинг функцияларини киритади. Ташқи функцияларга эса ҳимоя қилиш, агрессив урушларни олиб бориш, иқтисодиёт, маданият, маориф соҳасида ҳамкорлик ва бошқа функцияларини киритади.¹

В.М.Корельский ички функцияга ҳимоялаш функцияси, ҳусусий мулк ҳимояси, тартибни таъминлаш, табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа функцияларни киритади. Ташқи функцияга эса ташқаридан бўлиши мумкин бўлган хавфдан ҳимоя қилиш, босқинчилик урушларини олиб бориш, дипломатик аълоқаларни таъминлаш кабиларни киритади.²

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда давлатнинг асосий ички функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Иқтисодий функцияси
- Ижтимоий функцияси
- Сиёсий функцияси
- Ҳуқуқ тартиботни таъминлаш функцияси
- Тинчлик ва тотувликни таъминлаш функцияси
- Экологик функцияси ва бошқа функциялар

Юқорида кўрсатиб ўтган давлатнинг ички функциялари бутун мавжуд (ички) функцияларни қамраб олди деган гап эмас. Давлатнинг ички функцияларини келтиришда бизнинг фикримизча асосий бўлганларини келтирдик ҳалос. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Энди юқорида кўрсатиб ўтган функцияларни батафсил кўриб ўтсак.

Иқтисодий функция - бу давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш борасида асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, бошқариб туриш ҳамда тартибга солиб туришдан иборатдир. Бундан ташқари давлат бюджетини шакллантириш, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини аниқлаш, турли хил мулк шакллари тенглик шароитида амал қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлашдан иборат.

Ижтимоий функция - бу аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий тенгсизликни камайтириш, инсонларга муносиб ҳаёт

¹ Қаранг: В.М. Сырых. Теория государства и права. Былина, 1998.С.25

² Қаранг: Теория государства и права. Под ред. В.М.Корельского и В.Д.Перевалова-М.: Норма-Инфра . М, 1998. С.145-150.

фаолиятини таъминлаб бериш, таълим соҳасини, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш ва бошқалар.

Сиёсий функция- давлатнинг сиёсий функцияси асосий функцияларидан бўлиб, бу давлатнинг (жамиятнинг) сиёсий ҳаётини бошқаришдан, давлат органларини шакллантиришдан ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш функцияси- бу давлат фаолияти бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг ҳамма қатнашчилари томонидан қонуний бўйруқларни аниқ ва тўлиқ амалга оширишдан иборат.

Тинчлик ва тотувликни таъминлаш функцияси -бу давлат томонидан аҳолининг тинч-тотув яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, турли миллатларни ва ижтимоий гуруҳларни муросаи мудорада сақлаб туришдан, уларнинг орасида келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдан иборат.

Экологик функция. Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси кўпроқ даражада экологик хавфсизлик муаммоси сифатида тушунилмоқда. Шундан келиб чиқиб, айтиш керакки, биз давлат экологик функциясининг қуйидаги таърифини таклиф қилишни лозим топдик: *давлатнинг экологик функцияси деганда, жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш шароитлари, меҳнат ва дам олишини яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза этиш вазифаларини ҳал қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтиришга оид фаолияти тушунилади.*

Давлатнинг асосий ташқи функцияларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- бошқа давлатлар билан ҳамкорлик функцияси
- муҳофаа функцияси

Бошқа давлатлар билан ҳамкорлик – бу ушбу давлатнинг манфаатларини барча давлатларнинг алоҳида ва умумий манфаатлари билан уйғунлаштирадиган тенг ҳуқуқли иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган давлатнинг хилма-хил фаолиятидир. Жамият ривожланишининг замонавий даражаси барча тараққий этган давлатларнинг ҳўжалик, сиёсий ва маданий турмушини интеграциялаштириш, ҳар бир давлатнинг алоҳида ички муаммолари ҳамда бутун жаҳон ҳамжамияти муаммоларини янада самарали ҳал қилиш учун уларнинг умумий саяё-ҳаракатларини бирлаштиришни объектив равишда талаб этади. Бундай

ҳамкорлик интеграция масалаларига кенг ва ўзаро фойдали ёндашувни, нафақат ушбу мамлакат, балки ҳамкорликнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига ҳам жавоб берадиган рационал ечимларни умумий ҳаракатлар билан топа билишни назарда тутати.

Давлатлараро иқтисодий ҳамкорликда халқаро меҳнат тақсими, ишлаб чиқаришни кооперациялаштириш ва ихтисослаштириш, энг янги технологияларни алмашиш, товар айланишини мувофиқлаштириш, молия-кредит алоқаларини ривожлантириш муҳим ўрин тутати. Халқаро иқтисодий ҳамкорликни умумий мувофиқлаштиришни *Бирлашган Миллатлар Ташиқоти* ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари амалга оширади. Жумладан, БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши таркибида жаҳон ҳамжамияти миқёсида давлатлараро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш билан шуғулланадиган қатор органлар иш олиб боради, булар: Савдо-сотиқ ва ривожланиш кенгаши, Иқтисодий комитет, минтақавий иқтисодий комиссиялар, турар жой масаласи, қурилиш ва лойиҳалаш, табиий ресурслар, фан ва техника комитетлари. Халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалалари билан БМТнинг *Халқаро меҳнат ташиқоти, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташиқоти, Халқаро валюта фонди, Халқаро тикланиш ва ривожланиш банки* сингари ва бошқа ташкилотлари шуғулланади.

Худудий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган давлатлар ҳамжамияти доирасида иқтисодий ҳамкорлик самарали амалга оширилмоқда. Бунга *Европа ҳамжамиятини* мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ҳамжамиятнинг мақсади иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда ҳар томонлама ҳамкорликка эришиш; барқарор ва бир маромда ривожланиш; аҳоли турмуш даражасини тезроқ ошириш; бу ҳамжамиятга кирувчи давлатларнинг халқлари ўртасида янада яқин алоқалар ўрнатиш ҳисобланади. Бу давлатлар *савдо-сотиқ соҳасида мавжуд бўлган барча ўзаро чекловларни олиб ташлаш, учинчи мамлакатлар билан савдо-сотиқда умумий божхона тарифини жорий қилиш, одамлар, сармоялар ва хизматлар эркин ҳаракат қилиши учун тўсиқларни олиб ташлаш, транспорт, энергетика ва хўжалик соҳаларида умумий сиёсат олиб бориш, умумий рақобат қоидаларини ўрнатиш* ва бошқа масалалар бўйича келишиб олдилар. Европа ҳамжамияти ўзи яқин ҳамкорлик қиладиган бошқа китъалардаги мамлакатлар билан қатор конвенциялар тузди. Сўнгги вақтда Европа ҳамжамияти аъзолари иқтисодий-валюта ва сиёсий иттифоқлар тузиш ҳақидаги янги шартномаларни маъқулладилар.

Ҳамжамият доирасида вазифаси умумий иқтисодий ва ижтимоий сиёсат тадбирларини молиялаштиришдан иборат бўлган қатор кредит муассасалари (Европа инвестиция банки, Европа тараққиёт банки ва бошқалар) фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик шунингдек давлатлар ўртасидаги *икки томонлама шартномалар* асосида ҳам амалга оширилмоқда. Бироқ, бундай ҳамкорлик фақат ушбу давлатларнинг иқтисодий имкониятлари билангина чегараланади.

Давлатларнинг сиёсий соҳадаги ҳамкорлиги энг аввало *уруш ва тинчлик масалаларида* кўзга ташланаётир. Давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг замонавий ривожланиш даражаси глобал қуроли тўқнашувларга йўл қўймаслик имконини беради. Давлатлар ўртасида сиёсий ҳамкорлик давлат ҳокимиятининг барча поғоналарида: парламентлараро, ҳукуматлараро миқёсда ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари миқёсида амалга оширилади.

Европа ҳамжамияти умумий давлатлараро қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига эга бўлиб, уларнинг ваколатлари бирлашган давлатларнинг ўзаро манфаатлари билан чегараланган. Бундай давлатлараро тузилмалар конфедератив ва қисман федератив белгиларга эга, чунки уларнинг қонун чиқарувчи ва бошқарувчи органлари умумийдир.

1991 йили вужудга келган *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги* (МДҲ) асосан иқтисодий ҳамкорлик тамойиллари асосига қурилган. Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг собиқ субъектлари қўп йиллик иқтисодий алоқалар билан узвий боғлангани сабабли, уларнинг бу ҳамдўстлик доирасидан ташқарида фаолият кўрсатиши катта қийинчилик туғдиради. Вақт ўтиши билан улар жаҳон тараққиёти тажрибасидан унумли фойдаланиб, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда янада уюшқоқ давлатлараро ҳамкорликка ўтишлари мумкин.

БМТ ҳозирги замон давлатларининг сиёсий манфаатларини мувофиқлаштирувчи асосий халқаро орган ҳисобланади. Низоларни, шу жумладан қуроли можароларни тартибга солиш масалалари билан БМТнинг доимий ишловчи органи – *Хавфсизлик Кенгаши* шуғулланади. Унга халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, давлатлараро муносабатларнинг турли соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар берилган.

Жаҳонда сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни сақлаш ишига *минтақавий халқаро ташкилотлар*: Араб давлатлари лигаси, Африка бирдамлик ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти ва бошқалар ҳам

муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Сиёсий хусусиятга эга бўлган кўпгина масалаларни давлатлар бевосита *дипломатик йўл билан*, икки ёки кўп томонлама музокаралар асосида ҳал қилмоқдалар.

Маданий ва илмий-техник ҳамкорлик ҳар хил шаклларда ва турли давлатлараро миқёсларда амалга оширилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида бундай ҳамкорликни мувофиқлаштириш билан таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган муассасалар (ЮНЕСКО), Атом энергетикаси халқаро агентлиги (МАГАТЭ) ва бошқа ташкилотлар шуғулланади. Маданий ва илмий-техник ривожланишнинг алоҳида масалалари эса давлатлар ва ноҳукумат ташкилотлари (масалан, Жаҳон демократик ёшлар ташкилоти, Илмий уюшмалар халқаро кенгаши, Халқаро архитекторлар уюшмаси, Халқаро талабалар уюшмаси) ўртасидаги икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар асосида ҳал қилинади. Халқаро ва илмий-техник ҳамкорлик доирасида илмий маълумотлар, санъат асарлари, мусиқа ва сахна маданияти ютуқларини алмашиш, ўзаро мутахассислар тайёрлаш, фан ва маданият масалаларига доир турли конференциялар ва фестиваллар, олимлар, маданият арбоблари ва спортчилар ўртасида бевосита алоқалар амалга оширилади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик сайёрада нормал экологик вазиятни сақлаш бўйича кўпгина давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Бу фаолият қамровли хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган экологик шароитларни яратишни назарда тутadi. У БМТнинг ихтисослашган муассасалари йўналишида ҳамда минтакавий ва бошқа давлатлараро органлар доирасида фаол амалга оширилади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш учун давлатларнинг космонавтика, тиббиёт, биология ва электроника соҳаларидаги энг сўнгги ютуқлари қўлланади.

Ҳозирги замон давлатларининг ташқи фаолияти халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланади ҳамда жаҳон ҳамжамиятига кирувчи барча халқларнинг туб манфаатлари ва миллий хусусиятларини ҳисобга олади.

Мудофаа функцияси. Давлатнинг мамлакатни ташқи ҳужумдан мудофаа қилиш функцияси давлат фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Мамлакат озодлиги ва эркинлиги, унинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ташқи агрессорлардан ҳимоя қилиш зарурати давлат ва жамият ривожланишининг барча босқичларида мавжуд бўлганини тарих тасдиқлайди.

Ватан ҳимояси, давлат ҳудудини босқинчилардан озод қилиш учун урушлар халқаро ҳуқуқ нуктаи назаридан қонуний ва адолатли ҳисобланади. Мамлакат мудофааси функцияси иқтисодий, сиёсий,

дипломатик ва ҳарбий усуллар билан амалга оширилади. *Тинчлик даврида* – бу мамлакатни ташқаридан қилиниши мумкин бўлган ҳужумга ҳар томонлама тайёрлаш. *Ҳарбий даврда* бу функция душман билан бевосита қуроли кураш шаклини олади. Бу кураш жараёнида мамлакатдаги барча кучларнинг ғалабага эришиш учун бирлашиши рўй беради.

Ҳозирги замон давлатларининг кўпчилиги мудофаа доктринасини қабул қилган бўлиб, унинг моҳияти бошқа давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан уюштирилиши мумкин бўлган агрессияни бартараф этиш учун мақбул даражада етарли бўлган куч ва воситаларни яратишдан иборат. Ҳарбий қаршилиқ масалаларига бундай ёндашув халқлар ҳаётида урушлар рўй бериши эҳтимolini жиддий камайтиради ва келгусида уларнинг секин-аста йўқолиб бориши истiqболini назарда тутди. *Мамлакат мудофааси функцияси тушунчаси* кенг қамровли ва кўп қирралидир. У мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, тинчлик даври ва ҳарбий даврда қуроли кучларнинг жанговар қудратини сақлаш бўйича давлат тадбирларининг бутун тизимини ўз ичига олади.

Давлатнинг мудофаа фаолияти унинг ҳарбий доктринасига асосланади ва беш *асосий йўналишдан* ташкил топади.

1. Мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш. Фан-техника тараққиётининг энг янги ютуқларига таянадиган ривожланган ва самарали иқтисодиёт давлатнинг юқори даражадаги мудофаа қобилиятини таъминлайди. Бу фақат жамиятнинг моддий эҳтиёжларини қондирибгина қолмай, мамлакатнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган барча нарсаларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳозирги замон иқтисодиёти ҳарбий саноатнинг зарур ривожланиш даражасини, техника ва қурол-аслаҳаларнинг энг янги намуналарини ишлаб чиқиш, стратегик хом ашё ва озиқ-овқатлар захираси ҳамда давлат мудофаа салоҳиятининг бошқа компонентларини яратиш имкониятини таъминлайди.

2. Қуроли кучларни тинимсиз такомиллаштириш, уларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги даражасини ошириб бориш. Ҳар бир давлат унинг қуроли кучлари қудратли, тезкор бўлиши, замонавий ҳимоя воситалари билан таъминланиши, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳаларнинг барча турларини қўллай билиши, юқори даражали жанговар қобилият ва тайёргарликка эга бўлиши, қонунийлик ва халқаро ҳуқуқ қоидалари доирасида ҳаракат қилиши ҳақида мунтазам қайгуриши лозим.

3. Давлат чегараларини қўриқлаш. Бу фаолият чегара қўшинлари ёки бошқа махсус бўлинмалар томонидан амалга оширилади

ва маълум давлатнинг қонунлари билан белгиланган чегара режимини таъминлашни назарда тутати.

4. Фуқаролар мудофааси ташкил қилиш. Давлатлар ташқаридан қилиниши мумкин бўлган ҳужумларга қаршилиқ кўрсатиш ва ҳарбий даврда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида тинчлик даврида қатор мудофаа тадбирларини ўтказадилар. Бу фаолият оммавий қирғин қуролилари билан зарба берилиши эҳтимоли катта бўлган аҳоли пунктларида яшовчиларни эвакуация қилишни назарда тутати. У махсус мудофаа иншоотларини барпо этиш, қутқариш ва тиклаш ишларини амалга ошириш билан боғлиқ.

5. Қуrolли кучлар захирасини ҳарбий тайёрлаш. Кўпгина мамлакатларда ҳарбий ҳисобда турган шахсларни вақти-вақти билан ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ташкил қилинади. Бу давлатлараро ҳарбий можаролар чиққан тақдирда қуrolли кучларни тез кенгайтириш ва уларни малакали шахсий таркиб билан тўлдириш имконини беради. Давлат шунингдек ўрта ва олий ўқув юртларида бошланғич ҳарбий тайёргарликни ташкил қилади.

Мамлакат мудофааси функцияси давлатнинг бошқа функциялари билан боғлиқ. Буни айрим мисолларда кўриб чиқамиз.

Мамлакат мудофааси функциясининг иқтисодий функция билан ўзаро боғлиқлиги шунда ифодаланадики, самарали иқтисодий фаолият орқали давлат қуrolли кучларни замонавий ҳарбий техника ва қуrol-аслаҳа билан таъминлайди, ҳарбий иншоотлар барпо этади, мудофаа саноатини ривожлантиради, ҳарбий-илмий тадқиқотлар ўтказати.

Мамлакат мудофааси функциясининг ижтимоий функция билан ўзаро боғлиқлиги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини қондириш имконини беради (соғлиқни сақлаш, уй-жой билан таъминлаш, дам олиш учун вақт бериш, коммунал хизматлар кўрсатиш, умумдавлат миқёсида пенсиялар тайинлаш ва ҳ.к.).

Мамлакат мудофааси функциясининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси билан ўзаро ҳамкорлиги орқали қуrolли кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий мулкни сақлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари муваффақиятли ҳал қилинади.

Давлат мудофаа қобилиятининг унинг ички функциялари билан бундай яқин алоқаси натижасида, бир томондан, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш вазифалари муваффақиятли ҳал қилинса, иккинчи томондан, мамлакат ички турмушининг барча соҳаларида тинч бунёдкор меҳнат учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Бу ўринда *жаҳон ҳамжамияти давлатлари мудофаа сиёсатининг ўзаро алоқасини* ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Ҳозирги замон шароитларида бу алоқа ядровий ва оддий курулларни қисқартириш, ҳар бир давлатнинг мудофаа воситаларидан бактериологик, кимёвий, биологик ва бошқа оммавий қирғин курулларини чиқариб ташлашга қаратилгандир. Бу ерда гап душман мамлакатлар ўртасида маълум сабабларга кўра вужудга келиши мумкин бўлган ҳарбий қаршилиқни гуманизациялаштириш ҳақида боради. Турли мамлакатлар ўртасидаги ҳарбий қаршилиқ даражасини пасайтириш барча давлатларнинг иқтисодий имкониятларига, уларда яшайдиган халқларнинг маданий, маънавий ва экологик фаровонлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Давлат функцияларини **амал қилиш давомийлиги бўйича доимий ва муваққат (вақтинчалик) га** бўлинади.

Доимий функциялар давлат мавжудлигининг ва ривожланишининг барча босқичларига хос бўлган функциялар (масалан иқтисодий функция) киритилса, **муваққат функцияларга** эса давлат ўз олдига қўйган муайян мақсад ва вазифаларни амалга ошириши билан ўз аҳамиятини йўқотадиган функциялар киритилади.

Ижтимоий аҳамиятига кўра давлат функциялари **асосий ва асосий бўлмаган** функцияларга бўлинади.

Давлат функцияларини бундай таснифлашни яъни асосий ва асосий бўлмаган функцияларга бўлишни кўпчилик олимлар танқидий нуқта-назардан баҳолайдилар. Жумладан, В.М.Сырых ҳам давлат функцияларини асосий ва асосий бўлмаган функцияларга бўлиб таснифлашни танқидий жиҳатдан баҳолаш кераклигини эътироф этади. Унинг фикрича, бундай ёндашув натижасида асосий бўлмаган функциялар "давлат функцияси" тушунчасининг зарур белгисидан маҳрум бўлади, чунки бу тушунча дейди у, ҳар қандай фаолият турини эмас, балки фақат асосий фаолият турини қамраб олади. Шунинг учун ё давлат функцияси тушунчасини алмаштириш, ё таклиф қилинган таснифлашни номувофиқ деб тан олиш керак бўлади¹ деган хулосага келади.

Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, давлатнинг асосий ва асосий бўлмаган функцияси ўзаро бир бирлари билан боғлиқ бўлиб, давлатнинг асосий бўлмаган функцияси давлатнинг асосий функциясини амалга оширишга ёрдам беради.

Давлатнинг барча органлари томонидан ўзаро ҳамкорликда бажариладиган **функциялар асосий функциялар** дейилса, айрим давлат

¹ Қаранг: В.М.Сырых. Теория государства и права. Былина, 1998. С.25-26.

органларигагина хос бўлган функциялар эса **асосий бўлмаган функциялар** ҳисобланади.

Давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари бўйича қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- ҳуқуқ ижодкорлиги
- ижро этиш
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш

Ҳуқуқ ижодкорлиги - бу норматив-ҳуқуқий актларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш бўлиб, деярли бу фаолиятсиз давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириб бўлмайди.

Ижро этиш фаолиятига қонун ва бошқа норматив актларнинг амалда қанчалик даражада ўз ижросини топиши ёки топмаслиги билан боғлиқ фактларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш, қонун ва қоидаларга риоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора кўриш, юридик ишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорларлар қабул қилиш ҳамда жавобгарликка тортиш кабиларни киритиш мумкин.

Бугунги кунда, давлат функциясини амалга оширишнинг янги тури - шартномавий шаклининг роли ошиб бормоқда. Бу марказлашмаган давлат бошқаруви ҳамда бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан изоҳланади.¹

Умуман олганда, давлат функцияларини амалга оширишнинг шакл ва услублари кўп. Юқорида эса биз давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари кўриб ўтдик. Бундан ташқари далаат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий бўлмаган шакллари ҳам мавжуд.

Ҳуқуқий бўлмаган шакллари давлат функцияларини амалга оширишда ташкилий-тайёргарлик ишларининг асосий қисмини қамраб олади. Бундай фаолият ҳам зарур ҳам ҳуқуқий бўлиб, у ҳуқуқий аҳамиятли фаолиятлар билан боғлиқ эмас ҳамда ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди.²

Бундан ташқари, давлат ўзининг ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириш жараёнида давлат ишонтириш ва мажбурлаш усулларини

¹ Теория государства и права. Под.ред. В.М.Корельского, В.Д.Перевалова.- М.: Норма-Инфра · М, 1998. С.152-153.

² Каранг: Теория государства и права. Под.ред. В.М.Корельского, В.Д.Перевалова. - М.: Норма-Инфра · М, 1998. С.153.

қўллайди, иқтисодий функцияни амалга ошириш учун бир қатор иқтисодий усулларни қўллашга тўғри келади. Булар: прогноз қилиш, режалаштириш, имтиёзли кредитлаштириш, молиялаштириш, давлат субсидиялари, истемолчиларни ҳимоялаш ва бошқаларни киритиш мумкин.

4. ДАВЛАТНИНГ ЭКОЛОГИК ФУНКЦИЯСИ

Таъкидлаш керакки, собиқ шўро тузуми даврида ҳукукшунос олимлар давлатнинг асосий функциялари таркибига экологик функцияни киритмас эдилар, негаки ўша пайтда «Инсон – табиат подшоиси», «Инсон табиатдан хоҳлаган бойликларни олиши мумкин», «Табиат – битмас-туганмас бойлик» каби шиорлар аҳолининг турли қатламларига сингдирилар, натижада табиатга ҳўжасизларча муносабатда бўлинарди.

Табиатни ва атроф муҳитни ҳимоялаш функцияси охириги ўн йилликда давлатнинг асосий функциялари қаторига қўшилди. Негаки, экологик хавф туғдирувчи ишлаб чиқариш инсонга ҳам тажовуз этувчи омил бўлиб қолди.

З. М. Исломов давлатнинг экологик функцияси ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни ёзади: «Яқин ўтмишда аҳоли эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан жамият табиий бойликлардан тобора кўпроқ фойдалана бориши керак деган фикр ҳамма ерда ҳукмронлик қилгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бунда атроф табиий муҳитнинг бузилиши, экология маконининг ўзгариб кетиши, одамлар истиқомат қиладиган жойлар ҳаёт учун хавфли фалокат минтақаларига айланиб кетиши ҳеч кимни ташвишга солмасди. Шу тариқа минг йилликлар мобайнида табиат, инсон ва ишлаб чиқариш ўртасида таркиб топган мувозанат барҳам топтирилганди¹.

Шундай қилиб, Н. И. Матузов, А. В. Малько М. И. Байтин ва И. Н. Сенякиннинг давлатнинг экологик (ёки табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш) функцияси деганда, «табиатни ва атроф муҳитни ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф табиий муҳитнинг сифатини яхшилаш ва соғломлаштиришга қаратилган давлат

¹ Қаранг: *Исломов З. М.* Давлат ва ҳуқук: умумназарий масалалар (Давлат назарияси). – Т., 2000. – Б. 224–226.

бошқарувини ўрнатиш ва мувофиқлаштириш вазифасини тушуниш лозим»¹ эканлигига оид фикрларининг тўғрилигини таъкидлаш лозим.

Уларнинг фикрича, бугунги кунда экологик функциянинг давлатнинг асосий функциялари таркибига киритилишига сабаб фан ва техника тараққиётининг кескин ривожланганлиги ва унинг инсонга бўлган таъсиридир². Фан ва техника тараққиёти инсонга таърифлаб бўлмас бойликларни муҳайё этиши билан бир қаторда, мураккаб ва ечилиши қийин бўлган муаммоларни ҳам қўндаланг қилиб қўймоқда. Шу туфайли кўп ҳолларда табиатга қоплаб бўлмас зарар етказилмоқда.

Ғарб олимларининг таъкидлашларича, фан ва техника тараққиётининг бир қатор ютуқларига эришиш жараёнида табиат экотизимларининг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатилмоқда: ҳаво ва сув ҳавзалари булганмоқда, радиация микдори ошмоқда, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, инсон ҳаёти ва соғлиғига катта зарар етказилмоқда. Бу шароитда табиат ҳамда атроф муҳитни асраш ва ҳимоялаш нафақат муайян давлат учун, балки барча давлатлар учун ҳам асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Бозор муносабатларига ўтишнинг турли шакллари танлаган ёш суверен давлатлар табиий ресурсларга суянган иқтисодий ривожланиш йўлидан боришга мажбур бўлмоқдалар³. Умуман, бозор муносабатларининг шаклланиши, аниқроғи, бошланғич капитал тўплаш иқтисодни нафақат сиёсатдан, балки атроф муҳитнинг экологик хавфсизлигидан ҳам юқори қўяди. ғайриқонуний бойиш кишиларнинг экологик ҳуқуқий онги, тарбияси ва билимига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда иқтисодий тикланишни экологик барқарорлик билан мутаносиб ҳолда олиб бориш давлатнинг экология соҳасидаги бошқарув ваколатининг кенгайтирилиши ва маъмурий-ҳуқуқий йўл билан амалга оширилишини тақозо этади. Чунки боқимандлик руҳияти кучли бўлган, экологик онг, билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кишиларни табиатни асраб-авайлашга ўргатиш маълум бир муддатни талаб этади. Аммо пайсалга солиш экологик хавфсизликка катта зарар етказиши эҳтимолдан холи эмас.

¹ Теория государства и права / Под. ред. Н. И. Матузова, А. В. Малько. – М., 1997. – С. 68.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: *Ливинская В.* Правовые, экономические, социальные и культурные основы экологической безопасности // *Хўжалик ва ҳуқуқ.* – 2000. – № 3. – Б. 72–78.

Экологик хавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан бошқариш, бизнингча, маълум бир экологик қонуниятларга таянган ҳуқуқий институтлар йиғиндисини, яъни ҳуқуқий бошқарув тизимини шакллантиришдан иборат бўлмоғи лозим. Бу тизим ёки ҳуқуқий бошқарув механизми қуйидагиларни ўз ичига олади: табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар шаклини аниқлаш, давлат ва жамиятнинг экологик концепциясини муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш принциплари кўзда тутилган ҳуқуқий нормалар; ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олишга қаратилган норматив ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўтган қисқа, лекин ижтимоий-иқтисодий юксалиш жиҳатидан энг сермахсул йилларда мамлакат экологик муносабатларнинг иқтисодий шаклидан иқтисодий-экологик шаклига ўтиб олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда экология борасидаги қонунлар ҳамма дифференциал ва интеграл объектлар бўйича қабул қилинади, давлатнинг бошқарув органлари, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларида экологик бўлинмалар фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси фақатгина мустақиллик туфайли қўлга киритилган экологик муносабатлар борасидаги муваффақиятлардир.

Афсуски, бундай иқтисодий-экологик шакл Марказий Осиёнинг ҳамма мамлакатларига ҳам хос дея олмаймиз. Бизга қўшни бўлган республикаларда иқтисодий истеъмолчилик руҳи устунлик қилмоқда ва шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг экологик сиёсати миллий экологик хавфсизликдан регионал ёки глобал хавфсизликка томон йўналтирилган бўлиши, яқин келажақда Оролбўйи, йирик саноат ҳудудлари ва аграр теграларда ишлаб чиқаришнинг экологик-иқтисодий шаклидан экологик шаклига ўтишини, яъни маълум бир ҳудудларда табиий ресурслардан самара билан фойдаланиш, экологик тизимларни қайта тиклаш ва экологик концепцияларни амалга оширишни тақозо этади.

Экологик концепцияларни аниқлаб олиш давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий бошқарув тизимидаги кейинги босқич бўлиб, у жамият ва табиат ўртасидаги муносабат ёки табиат ва жамият қонунларининг ўзаро таъсири ҳақидаги қарашлар тизимидир¹. Танланган концепция ҳуқуқий принциплар, нормалар ва меъёрларни қайси йўналишда ишлаб чиқиш зарурлигини белгилаб беради.

¹ Қаранг: *Жевлаков Э. Н.* Уголовное законодательство об охране природы // Прокурорская и следственная практика. – 1999. – № 1–2. – С. 119–127.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги фаолиятини ва давлатнинг бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясига суянган ҳолда олиб бормоқда.

Келажақда экологик концепциямиз глобал бошқарув тизимида бўлиши халқаро ҳамжамиятнинг ягона экологик хавфсизлик дастури бўйича ҳуқуқий бошқарув негизларини кўриб чиқишни тақозо этади. Экологик концепциялар, ўз навбатида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг асосий принципларини белгилаб беради. Экологик принцип табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларга киришган кишилар яшаш фаолиятининг асосий қоидалари ҳам демакдир. Бу қоидалар 1972 йилда БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг нуфузли Стокгольм конференциясида қабул қилинган Декларациянинг 26 та принципида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида ўз аксини топган¹.

Мазкур қонунга асосан, долзарб экологик муаммоларидан бири ҳар бир халқаро экология субъекти мазкур 26 та принципни тан олишини ва давлат бошқарув тизимида уларга риоя этишини таъминлашдан иборатдир. Бу жараён айниқса, Марказий Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистон учун муҳимдир. Орол денгизининг ҳалокати каби йирик экологик муаммоларга Қирғизистондаги радиоактив ифлосланиш, Тожикистон Республикаси Турсунзода шаҳридаги Регарь алюминий заводининг атмосфера ҳавосини заҳарли моддалар билан ифлослантираётганлиги каби муаммоларнинг кўшилиши, албатта, ёш мустақил давлатлар иқтисодиётига кескин таъсир этиши ва экологик хавфсизликка путур етказиши мумкин. Шу ўринда «Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳар бир мамлакатнинг суверен ҳуқуқи ва у атроф муҳитга етказган зарари учун жавобгар» деган халқаро ҳуқуқ принципини амалиётда қўллаш вақти келди, десак бўлади.

Олима В. Левинскаянинг фикрича, экологик хавфсизлик ҳеч қандай маъмурий ёки табиий чегараларни тан олмас экан, халқаро принциплар миллий экология қонунчилигининг туб заминиде ётиши керак². Бу эса ҳуқуқ нормаларининг экологик шартлари тариқасида биринчи бор конституцияларда ўз аксини топиши билан бошланади, сўнгра экологик қонунларда кенгайтирилади ва экологиялаштирилган ҳуқуқий бошқарув

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1993. – № 1. – 38-модда. – Б. 117.

² Қаранг: *Левинская В.* Правовые, экономические, социальные и культурные основы экологической безопасности // *Хўжалик ва ҳуқуқ.* – 2000. – № 3. – Б. 76.

тизимининг ишлаб чиқилишида ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида экологик шартлар тўртта моддада ўз аксини топган бўлиб, 40 дан зиёд қонунларда улар кенгайтирилган ва инobatта олинган¹.

Экологик хавфсизлик экология қонунларида, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли ўлароқ, халқаро ҳуқуқ принципларига асосланган нормаларнинг салоҳияти ва устунлигини таъминлашни талаб этади. Ундан ташқари, жамиятдаги экологик муносабатларни ҳуқуқий бошқаришни асосан қонунларга суянган ҳолда олиб бориш, қонун ости норматив ҳужжатлари эса ёрдамчи элемент сифатида қаралиши лозим. Шунинг назардан қочирмаслик керакки, айниқса, ёш суверен мамлакатлар учун экологик нормалар кечаги кунни ёки келажакдаги ҳаётни эмас, бугунги куннинг реал ижтимоий-иқтисодий ва экологик шароитларини инobatта олиб ишлаб чиқилиши ва бозор муносабатлари шароитида унга молик равишда ҳуқуқий нормалар тўғриланиши ва уларга қўшимчалар киритиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда экологик-ҳуқуқий механизмни ташкил қилишнинг имконияти камаяди ва уни қабул қилишга тайёр бўлмаган жамиятда ҳуқуқий нигилизм вужудга келиши мумкин.

Меъёрий ҳуқуқ мезонлари табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни ифлослантиришни экологик хавфсиз даражада олиб бориш, экологик тизимларнинг ишлаш қобилятини йўқотмаслик билан белгиланади. Бундай ҳуқуқий мезонлар, биринчи навбатда, экология ҳуқуқининг объектларини реал баҳоланган (кадастрланган) ва уларнинг вақт мобайнида ўзгариб боришини назоратга олган (мониторинглаган) ҳолда ишлаб чиқишни, бошқача айтганда, дифференциациялашган (табақаланган), ўзгарувчан экологик моделлар асосида ҳуқуқий нормалар банкини яратишни талаб қилади. Чунки автомобиллардан чиқаётган заҳарли моддалар шаҳарлар агломерацияси – мегаполислар, саноат тегралари, аграр тегралар учун ҳам ва чўлли ҳудудлар учун ҳам бир хил меъёрларда бўлишини экологик хавфсизликни илмий асосда таъминлаш деб бўлмайди².

Шундай қилиб, экологик хавфсизликни таъминлаш жамиятдаги экологик муносабатларни илмий асосда, умуминсоний ҳуқуқ ва

¹ Қаранг: *Жураев Ю. А.* Юридическая гарантии прав граждан на благоприятную окружающую среду // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1998. – № 2. – Б. 10.

² Қаранг: *Нигматов А., Мирзаев Т.* Экологик хавфсизлик ва уни ҳуқуқий бошқариш тизими // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 1999. – № 2. – Б. 76–79.

бурчларни инobatга олган ҳолда ҳуқуқий бошқаришнинг ягона тизими орқали олиб борилишини тақозо қилади.

Давлат ва ҳуқуқ каби устқурмавий ҳолатларнинг жуда яқинлиги, ўзаро боғлиқлиги, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда намоён бўладиган бирлиги ушбу тадқиқот ишимизда кўйилган вазифаларни ҳал этишга атрофлича киришишни талаб этади. Яъни жамиятни бошқариш жараёнида ҳамда маълум ижтимоий натижаларга эришишда давлат ва ҳуқуқ функциясининг бирлигига асосланиши зарур. Ваҳоланки, давлат ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати мувофиқлаштирилганлиги сабабли, ижтимоий тараққиёт жараёнлари, жамият қонунчилигининг даражаси ва ҳолати давлат ҳуқуқий таъсирининг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Давлат ва ҳуқуқ бирлиги айнанлигидан давлатнинг экологик функцияси ва экология қонунчилиги келиб чиқади. Уларнинг ҳар иккови табиатни муҳофаза қилиш муносабатлари доирасида намоён бўлади. Шу билан бирга, бу иккала алоқадор жиҳатлар ўзаро муайян муносабатда бўлишига қарамай, аслида бир-биридан фарқ қилади: ҳар бири мустақил ҳолат сифатида намоён бўлади. Улар намоён бўлиш миқёси, усули билан ўзаро фарқланади. Шунингдек, ижтимоий аҳамияти бўйича ҳам ажралиб туради. Ҳуқуқ давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш курали, воситаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ҳолатда давлат ва ҳуқуқ ўзаро муносабатининг моҳиятини очиб бериш давлат экологик функциясининг ижтимоий вазифасини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, фақат бу муносабатни таҳлил этиш орқалигина давлат экологик функциясининг мазмуни ва имкониятларини, ҳаракат чегараларини аниқлаш имконияти вужудга келади, негаки давлат фаолияти доирасидан ташқарида ҳуқуқ ижтимоий тартибга солувчи омил сифатида ўзини намоён эта олмайди.

Ушбу муаммо ниҳоятда долзарб бўлиб, давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти дастлаб жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги, иқтисод ва табиат, давлат ва ҳуқуқ масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар томонидан ўрганила бошланди. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси мутахассислари ушбу фаолиятнинг турли жиҳатларини кўриб чиққанлар, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг сиёсий-ҳуқуқий мақомини аниқлаш мақсадида давлат функцияларининг назарий жиҳатларини ўрганганлар. Аммо, ушбу назария етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги боис, давлатнинг экология соҳасидаги фаолияти унинг мустақил функцияси сифатида 80-90 йилларгача тан олинмаган.

Эндиликда давлат экология функциясининг мустақиллигини барча ҳуқуқшунос олимлар тан олганлар. Аммо экологик функциянинг амал қилиш доираси ва мазмунини аниқлаш масаласида барча олимларнинг бир хил фикрга қилишига эришилмаган эди. Ушбу функцияни номлашда ҳам яқдиллик бўлмаган: айримлар «атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» деб атасалар, бошқалар «табиий муҳитни муҳофаза қилиш» деб атайдилар¹. Бир олим давлат функциясини – табиатдан оқилона фойдаланиш бўйича раҳбарлик қилиш деса², иккинчиси табиатни муҳофаза қилиш функцияси³ деб атайди. Юридик адабиётда давлатнинг экологик функциясини бошқача номлаш ҳолатлари ҳам учрайди. Бизнингча, давлатнинг экологик функциясини бу каби турлича номлаш ҳолатлари билан қилишиб бўлмайди.

Давлатнинг экологик функциясини талқин этишда «табиий ресурслардан фойдаланиш» билан «табиатни муҳофаза қилиш»ни бири-бирига қарама-қарши қўйиш ҳоллари ҳамон учрайди. Айрим олимлар уларни давлатнинг турли хил функциялари доирасига киритадилар. Худди шундай ҳолатни Т.Г.Гордиенконинг фикрларида кўришимиз мумкин. Унинг ёзишича, «табиатни муҳофаза қилиш ҳамда ундан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари ўзаро мос келмайди, табиий ресурсларни мажмуавий ва ҳатто алоҳида ҳолда ҳам иқтисодий тасаввур этиш экологик муҳофаза қилиш вазифаларига зид келади»⁴.

Табиат ва жамият ўзаро алоқадорлиги бу шаклларни фарқлашни таъкидлаш асосида муаллиф табиатни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш кўпинча ижтимоий муносабатларнинг ҳар хил эканлиги ҳақида хулоса чиқаради. Шунга кўра, у уларга нисбатан турли хил функциялар амал қилишини таъкидлайди: муҳофаза – табиатни муҳофаза қилиш функциясига оид, фойдаланишни – хўжалик-ташкилий функция деб ҳисоблайди. Фикримизча, ушбу хулосанинг тўғри эмаслигини муаллифнинг бу масалага бир томонлама ёндашиши билан изоҳлаш мумкин.

Табиатни муҳофаза қилишни ундан оқилона фойдаланишдан ажратиш тўғри эмас. Давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати

¹ Қаранг: *Колбасов О. С.* Экология, политика, право. – М., 1976; Терминологическое блуждения в экологии // Государство и право. – 1998. – № 10. – С. 27–28.

² Қаранг: *Тюткин Ю. И.* Конституционные основы рационального природопользования. – Кишинёв, 1980. – С. 128.

³ Қаранг: *Гордиенко Т. Г.* Роль профилактики в сфере охраны окружающей среды. – М., 1982. – С. 33–38.

⁴ *Гордиенко Т. Г.* Роль профилактики в сфере охраны окружающей среды. – М., 1982. – С. 34.

табиат бойликларидан фойдаланиш жараёнида уни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган давлатнинг экологик функцияси орқали амалга оширилади.

Табиатдан ҳар қандай фойдаланиш уни тегишлича муҳофаза қилиш жараёни билан чамбарчас бўлиши лозим. Ёхуд табиатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилганидагина табиат объектларидан фойдаланиш мумкин бўлади. Бошқача қилиб айтганда, табиатдан ҳар қандай ҳолатда ҳам самарасиз фойдаланишга йўл қўйилмайди, яъни ундан фақат оқилона фойдаланиш лозим. Табиатдан оқилона фойдаланиш эса табиатни муҳофаза қилиш талабларига сўзсиз риоя этилишини тақозо этади.

Шундан келиб чиқиб, давлат ўзининг табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини куради, экологик функциясини амалга оширишнинг мазмуни, шакли ва усуллари белгилайди. Шунинг учун ҳам табиатга таъсир этишнинг бу икки шаклини бир-биридан ажратиш, бир-бирига қарама-қарши қўйишга, уларни ҳар хил функциялар доирасига киритишга, шу билан давлатнинг хўжалик юритиш ва табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини ўзаро қарама-қарши қўйишга ҳеч қандай асос йўқ.

Иқтисодий ва экологик манфаатлар бирлигини асослаб, шу билан экологик функция мазмунини аниқлаб, бошқа бир ҳолатга эътибор қаратиш мумкин, яъни бу бирликни мутлақлаштириш мумкин эмас, улар ўртасида қарама-қаршилик йўқ, дейиш ҳам унчалик тўғри эмас. Аммо юридик адабиётда бу фактларни ҳаспўшлаш ҳоллари учрайди. Чунончи, Б. Г. Розовскийнинг таъкидлашича, тараққий этган жамиятда иқтисодий ва экологик мақсадлар, айниқса, уларни қарама-қарши қўйиш ҳоллари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас¹. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муносабатларининг бу тариқа талқин этилишига ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунончи, табиий ресурслардан фойдаланишда, иқтисодий ва экологик манфаатлар уйғунлигини таъминлашда объектив ва субъектив сабабларга кўра ҳали номутаносиблик ва камчиликлар йўқ эмас.

Давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш жараёнида табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш муносабатларидаги устун жиҳатларни аниқлаш ҳам жуда муҳим иш ҳисобланади. Иқтисодий манфаатларни кўзлаб табиатга зарар етказиш яхши оқибатларга олиб келмайди, ёхуд экологик манфаатларни кўзлаб иқтисодий ривожланишни таъминламаслик ҳам мумкин эмас. Бу жараёнда асосий эътибор иқтисодий ва экологик манфаатларнинг узвийлигига қаратилиши керак.

¹ Қаранг: *Розовский Б. Г.* Правовое стимулирование рационального природопользования. – М., 1983. – С. 10–16.

Бу муаммо бўйича илмий адабиётда турли хил фикрлар учрайди. Шунга қарамай, табиатни муҳофаза қилишнинг аҳамиятини камситмаган ҳамда жамият учун энг муҳими табиатдан фойдаланишдир деган фикрга қўшилмаган ҳолда, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш вазифаларини давлатнинг экологик функцияси доирасида кўрувчи муаллифларнинг қарашларини тўғри деб ҳисоблаймиз.

Давлатнинг экологик функциясига доир юқорида келтирилган фикрларни таҳлил қилиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *давлатнинг экологик функцияси* деганда, унинг жамият талаб ва эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва жамият аъзоларининг яшаш, меҳнат ва дам олиш шароитларини яхшилаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш борасидаги фаолияти тушунилади.

Ички тузилишига кўра, давлатнинг экологик функцияси ўзаро боғлиқ уч йўналишда амалга оширилади: а) атроф табиий муҳит объектларини сақлаш; б) табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; в) табиий ресурсларни тиклаш. Конституциянинг табиатни муҳофаза қилишга доир норма ва талабларидан келиб чиқиб, давлатнинг уч шаклдаги экологик фаолияти мавжудлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин: 1) табиат объектларини муҳофаза қилиш (55-м); 2) фуқароларнинг қулай табиий атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш (50-м); 3) мулкдан фойдаланувчи барча субъектларнинг экологик муҳитга зиён етказмасликлари, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ва ҳуқуқларини бузмасликларини таъминлаш (54-м)¹.

Демак, давлатнинг экологик функцияси жамиятнинг иқтисодий ва экологик манфаатларини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни тиклаш, кўпайтириш, фуқаролар учун қулай табиий атроф муҳитни яратиш мақсадларига қаратилгандир.

Давлат экологик функциясининг ушбу мақсадига жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг йўналишлари ва даражаларида кўпгина вазифаларни ҳал этиш орқали эришилади. Бундай вазифалар ҳар хил шаклларда амалга оширилади, бунда ҳар хил восита ва қуроллардан фойдаланилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳасидаги мутахассислар давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари ўртасидаги фарқни мисол қилиб келтирадилар ва уларни аниқ фактик ёки ташкилий

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2003.

фаолиятга бўладилар¹. Улар функцияларни амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари давлат фаолиятининг ҳуқуқий нормаларни яратиш, ўзгартириш, бекор қилиш борасидаги ҳуқуқ ижод қилиш (қонунчилик) ҳамда ҳуқуқни қўллаш шаклларига ажратадилар.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги давлат экологик функцияси мазмунининг бир қисмини ташкил этади ва табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқ ижодкорлигининг натижаси ҳисобланади. Ҳуқуқ ижодкорлигига давлат экологик функциясининг зарурий ва доимий ҳаракат йўналиши сифатида қараш лозим.

Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бошқариш тизимининг элементи, ўзига хос қуроли сифатида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳолатига боғлиқ ҳолда, бошқариш объектларининг ҳаракатларидан келиб чиқиб, аниқ ва бевосита мақсадларга эришиш хусусиятларини инobatга олиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ-атворига таъсир кўрсатиш чораларини вужудга келтиради. Улар мажбурловчи, рухсат берувчи, ман этувчи турларга бўлинади. Табиатни муҳофаза қилиш муносабатларини тартибга солиш усули сифатида ишонтириш ва мажбурлаш яқин бирликда бўлади. Мажбурлаш, буни истаимизми ёки йўқми, бари бир тартибга солишнинг зарурий усулидир. Мажбурлашдан воз кечиб бўлмайди ёки ижтимоий муносабатларни унинг ёрдамсиз тартибга солиш қийин бўлади.

Давлат экологик ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини бартараф этиш учун бузилган муносабатларни тиклаш лозим бўлади. Бундай ҳолларда давлатнинг экологик функциясини амалга ошириш юридик жавобгарлик механизми орқали амалга оширилади. Унинг ҳуқуқий асосини юридик жавобгарлик институти, яъни экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг ҳуқуқий нормалари йиғиндиси ташкил этади.

Мустақил Ўзбекистон юридик адабиётида давлат фаолиятининг ҳуқуқий шакллари, экологик функцияни амалга оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ҳуқуқ – давлатнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишидаги кучли қурол.

Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни тартибга солишда давлат муҳим ўрин тутати, чунки у атроф табиий муҳитнинг муҳофаза қилинишини бошқариш давлат механизмнинг элементи бўлишини таъминлайди.

¹ Каранг: Проблемы общей теории права и государства / Под общей редакцией В. С. Нерсесянца. – М., 1999. – С. 629–632.

Демак, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигига жамиятда алоҳида эътибор берилади. Давлат бошқариш қуроли, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг объектив шакли, табиатни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишнинг бош омили сифатида таърифланади. Шу боис ҳам табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг мазкур барча таърифлари унинг функционал вазифаси кўп қиррали эканидан далолат беради. Шу билан бирга, у давлатнинг экологик функциясини ҳуқуқий шаклсиз, табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигисиз амалга ошириш имкони йўқлигини билдиради, деб ўйлаймиз.

Шу ўринда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг саломатлигини муҳофаза қилишнинг ҳозирги кундаги устувор йўналишларига тўхталиб ўтиш жоиз. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида, айниқса, Қорақалпоғистон Республикасида меъёрга табиатни сақлаш ва атроф табиий муҳитни яхшилаш давлат ва жамият фаолиятининг асосий йўналишидир.

Юқорида баён этилган мулоҳазаларимиз қуйидаги хулосаларга олиб келади: давлатнинг экологик функцияси жамият билан табиат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун объектив заруратдир; давлатнинг экологик функцияси, у назарий жиҳатдан тан олиниш-олинмаслигидан қатъи назар, амалда бўлади. Бу функциянинг муваффақиятли амалга оширилиши экологик функция амалга оширилиш механизмининг тақомилига етганлиги, ўсиб бориши, ишлаш қобилиятига боғлиқ бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулаев М.И. Теория государства и права: Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -397 с.
2. Абдулаев М.И., С.А.Комаров. Проблемы теории государства и права/ Учебник.-СПб.: Питер, 2003. -576 с.
3. Гордиенко Т. Г. Роль профилактики в сфере охраны окружающей среды. – М., 1982. – С. 33–38.
4. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Масъул муҳаррирлар Ҳ.Б.Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –528 б.
5. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. / Масъул муҳаррирлар: А.А.Аъзамхўжаев ва Ш.З.Ўразаев. –Т.:Ўқитувчи, 1982. -288 б.
6. Жевлаков Э. Н. Уголовное законодательство об охране природы // Прокурорская и следственная практика. – 1999. – № 1–2. – С. 119–127.
7. Жураев Ю. А. Юридическая гарантии прав граждан на благоприятную окружающую среду // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1998. – № 2. – Б. 10.
8. Исломов З. Общество. Государство. Право.–Т.:Адолат, 2001.-696 с.
9. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар. (Давлат назарияси). –Т.: Адолат, 2000. –272 б.
10. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Т.: ТДЮИ, 2002, -87 б.
11. Исламов З.М. Проблемы власти: ее понимание, назначение, социальная ценность.-Т.: ТГЮИ, 2003. –244 с.
12. Колбасов О. С. Экология, политика, право. – М., 1976; Терминологическое блуждения в экологии // Государство и право. – 1998. – № 10. – С. 27–28.
13. Комаров С.А.Общая теория государства и права: Учебник. 7-е изд. –СПб.: Питер, 2004.-512 с.

14. Комаров С.А. «Теория государства и права» учебно – методическое пособие Краткий учебник для вузов. Издательская группа НОРМА–ИНФРАМ. Москва, 1999.
15. Ливинская В. Правовые, экономические, социальные и культурные основы экологической безопасности // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2000. – № 3. – Б. 72–78.
16. Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. -М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. 640 с.
17. Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права: Учебник. - М.: Проспект, 2001. 760 с.
18. Нажимов М. Давлат ва унинг экологик функцияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. -34 б.
19. Нигматов А., Мирзаев Т. Экологик хавфсизлик ва уни ҳуқуқий бошқариш тизими // Ҳуқуқ–Право–Law. – 1999. – № 2. – Б. 76–79.
20. Общая теория государства и права: Академический курс в 2-х томах/Под ред. М.Н. Марченко. Том 2. Теория права. -М.: Зерцало, 1998. –640 с.
21. Общая теория права. Под общ.ред. А.С.Пиголкина. М., МГТУ, 1995. –384 с.
22. Проблемы общей теории права и государства / Под общей редакцией В. С. Нерсисянца. – М., 1999. – С. 629–632.
23. Протасов В.Н. Теория права и государства. Проблемы теории права и государства. 2-е изд. перераб. и доп. –М.: Юрайт, 2001. - 346 с.
24. Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции): Учебный курс.-М.: Право и государство, 2003. –304 с.
25. Розовский Б. Г. Правовое стимулирование рационального природопользования. – М., 1983. – С. 10–16.
26. Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари:Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 720 б.

27. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. I-жилд. Давлат назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –336 б.
28. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II-жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат, 2001. –560 б.
29. Сырых В.М. Теория государства и права. Былина, 1998.С.25
30. Теория государства и права. Под ред. В.М.Корельского и В.Д.Перевалова.-М.: Норма-Инфра . М, 1998. С.145-150.
31. Теория государства и права. Курс лекций. Под.ред. Н.И.Матузова, А.В.Малько. -М.: Юристъ, 1999. -672 с.
32. Теория государства и права. Учебник./ Под.ред. В.К.Бабаева -М.: Юристъ, 1999. –592 с.
33. Теория государства и права: Учебник/Под ред. В.М.Корельского и В.Д. Перевалова.-М.: Норма - Инфра, 1998. -570с.
34. Темнов Е.М. Теория государства и права: Учебное пособие для вузов. –М.: Экзамен, 2003. –320 с.
35. Тютеекин Ю. И. Конституционные основы рационального природопользования. – Кишинёв, 1980. – С. 128.
36. Холмўминов Қ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси.-Т.: 2000. -116 б.
37. Хропанюк В.Н. Теория государства и права: Учебное пособие для высших учебных заведений/ Под ред. проф.В.Г.Стрекозова.– М.,1999. –377 с.
38. Экология ҳуқуқи. /Масъул муҳаррир: М.Б.Усмонов. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси”, 2001. - 328 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Давлат функцияси тушунчаси ва мазмуни.....	5
Давлат функцияси ва вазифасининг ўзаро муносабати.....	10
Давлат функцияларини таснифлаш.....	11
Давлатнинг экологик функцияси	23
Адабиётлар.....	34